


XI МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ  
ПО КОМПЬЮТЕРНОЙ ОБРАБОТКЕ  
ТЮРКСКИХ ЯЗЫКОВ

# TurkLang

## 2023

Узбекистан,  
Бухара,  
20-22 октября 2023 года

Министерство высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан  
Бухарский государственный университет  
Академия наук Республики Таджикистан  
Евразийский национальный университет имени А.Н.Гумилёва Министерства образования и науки Республики Казахстан  
Стамбульский технический университет



TurkLang • 2023

**ОДИННАДЦАТАЯ  
МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ  
ПО КОМПЬЮТЕРНОЙ ОСВАБОЛКЕ  
ТЮРКСКИХ ЯЗЫКОВ  
«TURKLANG 2023»**

---

Труды конференции

2023

**УДК 81-11**

**ЭПИСТОЛЯР ПУБЛИЦИСТИКА ВА МАКТУБОТНИНГ  
БОЛАЛАР АСАРЛАРИДАГИ БАДИЙ-КОМПОЗИЦИОН  
ВАЗИФАЛАРИ**

*Жамилова Башорат Сатторовна*  
*Бухоро давлатуниверситети Ўзбекистон*  
*bashoratjamilova@gmail.com*

Мақолада болалар матуотида эпистоляр публицистика намунаси бўлган хат жанридаги маколалар, шунингдек, болалар адабиётида мактубот шаклида ёзилган кисса ва ҳикояларнинг долзарб ахамияти ҳамда бадиий-композицион вазифалари ҳақида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** хат, эпистоляр, публицистика, мактубот, кисса, ҳикоя, мақола, дидактика, тамсил, кундалик, сухбат.

**ARTISTIC COMPOSITION TASKS OF EPISTOLARY  
PUBLISHING AND LETTRISH IN CHILDREN'S WORKS**

*Djamilova Bashorat Sattorovna*  
*Bukhara State University, Uzbekistan*  
*bashoratjamilova@gmail.com*

The article reflects on the actual meaning and artistic and compositional functions of articles in the genre of letters, which are an example of epistolary journalism in children's literature, as well as stories and stories written in the form of letters in children's literature.

**Key words:** letter, epistolary, journalism, letter, story, novella, article, didactics, example, diary, conversation.

**ХУДОЖЕСТВЕННО-КОМПОЗИЦИОННЫЕ ЗАДАЧИ  
ЭПИСТОЛАРНОЙ ПУБЛИЦИСТИКИ И ЛЕТРИСТА  
В ДЕТСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ**

*Б. С. Джамилова*  
*профессор Бухарского государственного университета,*  
*Узбекистан*  
*bashoratjamilova@gmail.com*

В статье размышляется о актуальном значении и художественно-композиционных функциях статей в жанре писем, являющихся образцом эпистолярной публицистики в детской литературе, а также рассказов и рассказов, написанных в форме писем, в детской литературе.

**Ключевые слова:** письмо, эпистолярий, публицистика, письмо, рассказ, повесть, статья, дидактика, пример, дневник, беседа.

Жаҳон публицистикаси ва адабиётида хат шаклида ёзилган шеър, поэма, хикоя, қисса, романлар борлиги эътироф этилган. “Эпистоляр сўзи, – деб ёзади М. Худойқулов, – лотинча “epistola” – хат, юборилган маълумот деган маънони билдиради. Бу жанр адабий-бадиий ёки публицистик асарнинг хат, мактуб тарзida ифода этилишидир”[6,205].

Жумладан, болалар публицистикасида ҳам **хат жанри** услубида ёзилган мақолалар алоҳида ўрин ва мавқега эга. Публицистик хат газета ва журналларда материалларнинг таъсирчанигини оширишга хизмат қиласди. Умумпублицистикада хат шаклининг қўлланиш тарихи, турли кўринишлари ва аҳамиятли жиҳатлари атрофлича ўрганилган [2, 60]. О.Тоғаев газета-журнал материалларининг ёзилиш услубида хат жанри хусусиятларининг мавжудлиги ижтимоий пафоснинг шахсий ҳис-туйгу, кечинмалар орқали ифодаланиши, газетхонга бевосита мурожаат кабилар ижтимоий-сиёсий воқеликка жозиба баҳш этиши ва ўқимишли қилишини алоҳида таъкидлайди [4,10].

Худди шу усул болалар матбуотининг ҳам негизини ташкил этади ва аксарият мақолалар кўпроқ хат шаклида ёзилгани билан эътиборни тортади. Масалан, сарлавҳа ўрнида қўлланган “Бувимга мактублар” хати “Тонг юлдузи” газетасининг бир неча сонида берилган.

Мактублар Хитойнинг Сзинзянь шаҳрида ота-онаси билан чет эллик талабалар ётоқхонасида яшайдиган Комрон Аминов томонидан тошкентлик буви ва бобоси номига йўлланган бўлиб, ижтимоий характерга эга. Хусусан, хат муаллифи Конфуций ватани бўлмиш Сийифу (Syuyfy)нинг машҳурлиги сабабларини ойдинлаштиради.

Болалар ижодкорлари ёхуд умуман адиларнинг болаларга ёзган мақолаларида хат шаклини танлашлари бежиз эмас. Чунки хат шакли муаллифга ўқувчини яқин дўст, маслакдош тутиб, дилдан ёзиш имкониятини туғдиради. Бунда табиийлик устувор. Бинобарин, “Муборак кунларнинг азиз фарзанди”[7], “Билиб қўйки, сени Ватан кутади”[8], “Ойнинг ўн беши ёруғ”, “Она юртинг – олтин бешигинг”[9]; “Иншо ёки ўқитувчимга хат”[10] каби мактубларда айни шундай ижтимоий пафос етакчилик қиласди.

Бундан ташқари, болалар адабиётида ҳам мактубот, хат шакли-

дан фойдаланиш кўп кузатилади. Масалан, Э.Маликнинг “Онаизор” киссасининг композицияси эпистоляр негизга эга. Асарнинг ҳар бир боби онанинг ўғлига йўллаган мактуби шаклида ёзилган. Шу орқали мактубларда келтирилган ранг-баранг воқеалар ягона маҳражда боғланади.

Асадаги Она образи барча ёлғиз аёлларнинг умумлашма образига айланган бўлса, отасизлик нафақат оила тўқислигига, балки, бола руҳиятига озор етказиши кичкинтой Шернинг болалик изтироблари мисолида очиб берилган. Бола оиласини ташлаб, ҳамма нарсани ароққа алмаштириб кетган бўлса-да, дадаси борлигига ўртоклари билан гарров ўйнайди, бунга ишонмаган бир ўртоғини судраб отасининг вайронна кулбасига олиб келади, каттакон қулф осилганига қарамай, кечгача шу ерда қолиб кетади: “Кетмайсан, кетмайсан, дадамни кўрасан, дадам бор... ахир, ҳозир келадилар”, – дея ўртоғининг ёқасига ёпишади; йиғлаб туриб, ёлбора бошлади. Боланинг ўртоғи олдида изза бўлиб, папкасининг устига ўтириб, бошини тиззалири орасига олиб ҳиқ-ҳиқ йиғлай бошлаши ҳам Она мактубида эсланиб: “Сен ҳеч қачон, ха, ҳеч қачон ўз фарзандингни бунақа аҳволга солмайсан. Бу азобни гўдак бошингдан ўтказдин”, – дейилиши асар марказида кўпроқ бола руҳияти, ўксик қалб жароҳатлари туришини ойдинлаштиради.

Онанинг мактубларида шу тариқа оиласида отадан болага ўтадиган фазилатлар, гап сўзларидаги дадиллигу мустақилликни аёл барибир бера олмаслиги, билъакс, уни тергайвериб, ўта кўнгилчан қилиб қўйганидаги пушаймонлик аёнлашади.

Муҳими, хатларнинг умумлашмасида ҳам композицион бутунлик кўзга ташланади: мактубдан-мактубга ўтилгани сайин воқеалар ривожи кульминацион нуқтага кўтарилади. Шер бола бўлиб, отасиз ўсганлиги учун баҳтиёрликни ҳис қилмаган эди, ўсмир ёшида отасини излаб бориб, ундан кўнгли совийди. Энди фақат онасига суюнчиқ, елкадош бўламан, деганда эса ҳарбий хизматга жўнайди... Муштипар онасининг орзуларини рўёбга чиқариш учун ҳамма нарсага рози бўлади... Гарчи, қиссада фақат онанинг ўғлига ёзган мактублари келтирилган, ўғилнинг онага ёзган бирорта жавоб хати бўлмаса ҳам, фарзандининг онасига меҳрибонлиги, сирдошлиги англашилиб туради. Аммо Афон фожиаси она ва боланинг бу умидини ҳам саробга айлантиради. Даставвал, аёл қизи Сабоҳатни безорилардан кутқарган, кейин унга кўнгил бериб, совчи қўйган Улугжон исмли ҳарбий йигит учун кўк кияди, сўнгра эса... бунинг ёнига Шернинг азаси қўшилади...

Э. Маликов ижодида қиссанинг яна бир кўриниши кундаликда битилган **мактублар** шаклидадир. Муаллифнинг “Етим колган хотиралар” қиссасида ўсмир қиз Маъсуданинг мактуб-хотиралари орқали болалар уйларидағи кўнгли ўксик ўғил-қизларнинг қалб кечинмалари, ота-оналари, оила соғинчи, жамият ҳакидаги та-саввурлари акс эттирилган. Натижада бу қисса ҳам янгича гоявий композицион асосга эга бўлган [5,76].

Кундалик ёзиш ўсмир ёшдаги қиз-йигитларга хослиги назарда тутилса, танланган услубий йўналиш реалликка эга эканлиги аёнлашади. Шунингдек, болалар уйи, маишатга берилган ота-оналарнинг ўз болаларини тирик етим қилиб қўйишгани ўзбек болалар адабиётида қаламга олинмаган мавзулардандир. Отаси чет элга ишлашга кетиб, унинг касал бўлганлигини эшигтан она бориб олиб келиш баҳонасида болаларини шу ерга ташлаб кетади.

Ёзувчи кундаликда муҳрланган қалб изҳорлари – **хатлар** баҳонасида етимхонада тарбияланаётган Ҳалима, Мадина, Солиҳа, Наргиза исмли қиз ва Одил каби ўғил болаларнинг аччиқ қисматларини тилга олади. Бу тақдир эгаларининг ҳар бири алоҳида ҳикоя. Шу сабабли муаллиф асосий воқеа ривожида бу ҳикояларни қолипловчи ҳикоя тарзида беради. Маъсуданинг ойижонисига ёзган кундалигидаги мактубларида Дармонжон, Наргиза, Одил қисматлари жуда таъсирчан ҳикоя қилинган. “Дармонжон дунёдаги ҳамма оналарни ёмон кўриб колган экан. Бечора, бегона одамни ота дея олмагани учун бу ерларга келиб қолган экан- да. Хўрлансаям, ўлимга рози бўлсаям, барибир бегонани “ота” демапти. Мен ҳам худди шундай қилган бўлардим...” Маъсаданинг мактубларида Дармонжоннинг онаси мисолида ўз фарзандини эртаклардаги ўгай оналардек қалламушли ертўлага қамаб, бўғиб ўлдирмоқчи бўлгани, бундай воқеалар таъсирида етимхонадаги ҳамма болалар ҳам барча оналарни ёмон кўра бошлиши таъкидланади. Ёки Наргиза исмли қиз тимсолида “етимхона касали”га йўлиқкан болалар ахволи баён қилинади. “У соғиниш касали! – уқтиради қизалоқ. Болалар оналарини ўйлаб-ўйлаб, ичларидан куйиб-куйиб, охири ётиб қоладилар... Биз ўн тўққиз қиз- кулсак-куламиз, йигласак – йифлаймиз. Дардимиз битта-да, дардимиз. Етиммиз!”

Болалар адиби Э.Маликнинг “Набираларимга мактублар”[3] асари ҳам шу анъянанинг новаторона давоми сифатида эътиборга лойик. Адиб сўзини невараға мактуб ёзишдан бошлаган бўл-сада, асарнинг бутун композициясида уларнинг ҳар бири алоҳи-

да сарлавҳалардан иборат. Унда келтирилган мустақил сюжетли ҳикояларда бобонинг – муаллифнинг невараасига ғойибона айтган гаплари, хотираасига келган воқеалар орқали шу замон ва маконнинг долзарб мавзулари, ахлоқий сабоқлар, тарбиявий мақсадда изчил баён этиб борилади. Айниқса, болаларга мавхум тушунчалар, масалан, “Ишонч”, “Диққат”, “Ҳадя”, “Ҳавас ва ҳасад”, “Суянчик”, “Мехр” кабилар реалистик воқеалар, бадиий деталлар орқали талқин этилиши, деярли ҳар бир ҳикоя-мактубнинг “набирагинам”, “болажоним” деб бошланиб, асосан, барча болаларга қаратилган ўгиту насиҳатлар экани асарнинг дидактик аҳамиятини таъминлайди.

Маълумки, жаҳон болалар адабиётida кичкинтойлар тасаввурининг ва хаёлот оламининг серкирра бўёкларини, бадиий ифодасини кўриш мумкин. Бинобарин, болалар шоири ва носири А.Обиджон ҳам ўзининг “Ғалати мактублар”и билан эпистоляр адабиётнинг болаларбоп завқовар янги туркумини яратди, дейиш мумкин. Шоир мазкур туркумдаги йигирма еттита шеърида архаик ва тарихий сўзлар, бугунги ёшлар деярли ишлатмайдиган, ҳатто уларнинг нималигини ҳам унутаёзган буюмлар, миллий қадриятлар, уй анжоилари ва жиҳозларини жонлантиради. “Калишнинг ботинкага”, “Чайнамайшимингнинг хўрозқандга”, “Қўрунинг қумғонга”, “Сополкосанинг чинникосага” сингари кўплаб “ёзилган ҳат”ларидаги киноя, кесатиқ, истеҳзо ва мажоз, тамсил сингари бадиий унсурлар кулгининг турли хилларини намоён қила олганидан ташкари, шеърий мактубнинг бир намунаси сифатида эътирофга лойиқ. Яъни, айнан шу предмет ва буюмларнинг мактуби орқали асори-атиқага айланиб бораётган тарихий нарса-буюмлар, сўзлар замондош ўқувчига етиб келади. Албатта, уларнинг бадиий ифодасида хилма-хиллик масалан, “Карнайнинг сурнайга”, “Кутичанинг сандиққа” ”“Пўстиннинг айиқчага ёзган хати” кабилар мактуб композициясини ўзида тўлиқ намоён қилса, “Шамнинг лампочкага ёзган хати”, “Тандирнинг чакмоққа ёзган хати” кабиларда киноявий тамсиллар устувор. Шунингдек, шеърлардаги “Чайнамайшиминг”, “Чориг бобо”, “Шиппак опа”, “Хиром ака”, “чўтири Кирза тоға”, “Махсибиби”, “Амиркони хола” сингари антропонимлар ҳам аслида ана шу композицион шакл моҳиятини ўйғуллаштириш билан бирга болалар тилини намоён этади. Бу эса ўқувчида ижтимоий ҳаётдан узоклашаётган воқелик, тарихий деталларни жонли мулокотга хос эпистоляр шаклда тафаккурида қайта тикланишига ёрдам беради.

Дарҳақиқат, хат жуда қадимий, ёши улуг, “мўйсафид” жанрлардан бўлиши билан бирга, кўплаб адабий-бадиий, публицистик асарларда кенг ва новаторона қўлланилаётгани билан бирга болалар адабиётида ҳам ўзига хос бадиий-композицион вазифаларни бажариб келаётгани эътиборга лойикдир.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Карасев П.С. Проблемы теории публицистики. – Л.: ЛГУ, 1973;
2. Мухаммадиев Р. Публицистика жанрлари. – Т.: Ўзбекистон, 1965;
3. Малик Э. Набираларимга мактублар. – Тошкент: Шарқ, 2019. – Б.368.
4. Тоғаев О. Публицистика жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1976.
5. Сафаров О., Жамилова Б. Болалик боқийлик тимсоли ёхуд “мухбирликнинг олис йўллари”. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 76.
6. Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Тошкент: тафakkur, 2011. – 205-б
7. Муборак кунларнинг азиз фарзанди // Тонг юлдузи. – 1992. – 8 янв.
8. Билиб қўйки, сени Ватан кутади // Фунча. – 1992. – № 1. – Б. 1.
9. Ойнинг ўн беши ёруғ // Гулхан. – 1993. – № 1. – Б. 1.
10. Она юртинг – олтин бешигинг. Иншо ёки ўқитувчимга хат // Тонг юлдузи. – 1993. – 29 сент.

---

**ФИЛОЛОГИЯ**

ИНДИВИДУАЛЬНОСТЬ И КОММУНИКАЦИЯ . . . . .	696
ЛЕКСИКА ОРХОНСКИХ ПАМЯТНИКОВ И ЕЁ ОТРАЖЕНИЕ В КАРА-КАЛПАКСКОМ ЭПОСЕ «ҚЫРҚ ҚЫЗ» . . . . .	705
ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА УЧЕБНОГО ДИСКУРСА И ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА . . . . .	711
МЕСТО ЛИНГВИСКОКУЛЬТУРНЫХ ЕДИНИЦ, РЕПРЕЗЕНТИРУЮЩИХ УЗБЕКСКИЙ МЕНТАЛИТЕТ, В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ . . . . .	718
КОММЕНТАРИИ К ЖАНРАМ, СВЯЗАННЫМ СО СКАЗКАМИ . . . . .	725
ЗНАЧЕНИЕ ПАМЯТИ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПОРТРЕТЕ . . . . .	730
ЭТНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНАЯ И КУЛЬТУРНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПЕРИФРАСОВ . . . . .	734
ДЕТСКИЕ ПЕСНИ, СОЗДАННЫЕ НА МОТИВЫ НАРОДНЫХ ПЕСЕН . . . . .	741
ВЫРАЖЕНИЕ СЛОВ В СЛОВАРЯХ С НАРЕЧНЫМИ -ОНА АФФИСАМИ . . . . .	745
ИЗУЧЕНИЕ АРАБСКИХ СОГЛАСНЫХ ГРУППАМИ . . . . .	750
ОКАНЬЕ В СИСТЕМЕ ГЛАСНЫХ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА . . . . .	756
ПЕРЕЁНИМЫ – ОДИН ВИД ОНОМАСТИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ . . . . .	761
СЕМАНТИКА ОБРАЗОВ В ПРОИЗВЕДЕНИИ «МЫШЛЕННЫЕ ДНИ» АБДУЛЛЫ КАДИРИ . . . . .	765
ГЕНДЕРНОЕ НЕРАВЕНСТВО И НАСИЛИЕ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ КОРЕЙСКОЙ И УЗБЕКСКОЙ КУЛЬТУРЫ . . . . .	771
СОСТАВ УЗБЕКСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ . . . . .	782
TALMEHNING ERKIN VOHIDOV SHE'RLARIDAGI BADIU VAZIFALARI . . . . .	787
SOME THOUGHTS ON TEACHING VISUAL EXPRESSIVENESS OF THE UZBEK LANGUAGE IN RUSSIAN-SPEAKING GROUP . . . . .	791
REALIYALAR MILLIY MADANIYATNI ANGLATUVCHI BIRLIK SIFATIDA . . . . .	797
INTONEMES ARE REPRESENTATIVES OF THE INTERNAL STATE OF THE COMMUNICANT . . . . .	802
THE IMPORTANCE OF PRAGMALINGUISTIC FEATURES OF LANGUAGE TASKS IN INTERNATIONAL COMMUNICATION . . . . .	809
ХУДОЖЕСТВЕННО-КОМПОЗИЦИОННЫЕ ЗАДАЧИ ЭПИСТОЛАРНОЙ ПУБЛИЦИСТИКИ И ЛЕТРИСТА В ДЕТСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ . . . . .	816
LINGUISTIC CULTURE UZBEK CULTURE . . . . .	822

---

ПРАВОВОЕ ОБРАЗОВАНИЕ И ЕГО ФОРМИРОВАНИЕ НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА .....	828
ИЗУЧЕНИЕ КАДРОВ В ПОСЛОВИЦАХ С УЧАСТИЕМ «ВЕРБЛЮДА» ..	833
ZAMONAVIY LUG'ATCHILIK TARAQQIYIT BOSQICHLARI .....	839
ИЗУЧЕНИЕ ЯЗЫКА КАРАКАЛПАКСКОГО ГЕРОИЧЕСКОГО ЭПОА .....	843
ETHNOOYKONYMS OF BUKHARA .....	848
“TEMUR MALIK” ASARIDAGI GIDRONIMLAR .....	855
MAIN GENRES AND FEATURES OF VIRTUAL COMMUNICATION ..	860
ПРОБЛЕМЫ ЯЗЫКА И СТИЛЯ В ГРАЖДАНСКОЙ ЖУРНАЛИСТИКЕ ..	864
О ВЫРАЖЕНИИ НЕКОТОРЫХ АВТОРСКИХ РЕЧЕВЫХ НЕОЛОГИЗМОВ В ПОЭЗИИ МУХАММАДА ЮСУФА .....	870
XALQ OG'ZAKI IJODIDA MAKTUBLAR .....	877
ПРОБЛЕМА КОНЦЕПТУАЛЬНОГО И НОВЕРБАЛЬНОГО МЫШЛЕНИЯ	881
XALQ SHE'RIYATIDA GUL SO'ZI ASOSIDA OBRAZLILIKNING VUJUDGA KELTIRILISHI .....	889
ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРАЗА ЖИВОТНЫХ В ДЕТСКОЙ ПОЭЗИИ (НА ПРИМЕРЕ СТИХОВ АНВАРА ОБИДЖАНА) ..	893
ЖИВОТНЫЕ СИМВОЛЫ В ТВОРЕНИЯХ РАУФ ПАРФИ .....	898
ЧЎЛПОН ШЕ'РІЯТИДА ТАБІАТ РАМЗЛАРИ .....	902
ETYMOLOGICAL EXPLANATION OF THE PHENOMENON OF SONG AND THE PROFESSION THAT DENOTES IT .....	906
СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ СТУДЕНТОВ ОБ УЗБЕКСКОМ МУЗЫКАЛЬНОМ ФОЛЬКЛОРЕ .....	911
GENESIS AND DEVELOPMENT OF THE CONCEPTION AND THE CONCEPT “ROAD” .....	915
ОБРАЗНЫХ ПРИЕМОВ И ПОЭТИЧЕСКИХ ФИГУР, ХАРАКТЕРНЫХ ДЛЯ ТЕКСТОВ ЭССЕ .....	919
ПРО УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ АНЕКДОТОВ .....	924
О НЕКОТОРЫХ ЭТНОНИМАХ В «ДЕВОН» М. КОШФАРИЙ .....	931
YOZUVLAR TARAQQIYOTIDA BOBURNING O'RNI .....	936
ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ ПАРЕМ, СОЗДАННЫХ НА ОСНОВЕ ЛСТ «НАСЕКОМЫХ» .....	942
J. K. ROULINGNING FANTASTIK ASARLARIDAGI ANTROPO-NIMLARNING LINGVO-PERSPEKTIV MUAMMOLARI .....	948

---

THE PRAGMALINGUISTIC FEATURES OF COORDINATING CONJUNCTIONS . . . . .	959
ЧАСТНЫЕ ТЕРМИНЫ В НЕЧАСТНЫХ ДИСКУРСАХ . . . . .	964
КИНОЛИНГВИСТИКА В КАЧЕСТВЕ ОТРАСЛИ ЯЗЫКОЗНАНИЯ . . . . .	969
НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ ОБ УПОТРЕБЛЕНИИ СЛОВ В МЕДИЦИНСКИХ РЕКЛАМНЫХ ТЕКСТАХ . . . . .	974
ИЗУЧЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ И МИРОВОГО ОБЩЕСТВЕННО-ЛИТЕРАТУРНОГО ДВИЖЕНИЯ . . . . .	978
ИМЕНА, ОБРАЗОВАННЫЕ НА ОСНОВЕ ИМЕНИ ЧЕЛОВЕКА. (БУХАРСКАЯ ОБЛАСТЬ, ВОБКЕНТСКИЙ РАЙОН НА ПРИМЕРЕ) . . . . .	985
ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ СЕМАНТИКА МОДАЛЬНОСТИ . . . . .	989
ВЗАИМОСВЯЗЬ ЛИЧНО-ОПИСАТЕЛЬНОЙ ЛЕКСЕМЫ И СЛОВОСОЧЕТАНИЯ . . . . .	994
МОЛЧАНИЕ – ЕДИНСТВО, РАСКРЫВАЮЩЕЕ ВНУТРЕННЕЕ СОСТОЯНИЕ ЧЕЛОВЕКА . . . . .	997
ЛИНГВОПОЭТИКА ПОЭЗИИ ХАЛИМЫ ХУДОЙБЕРДИЕВОЙ И СПОСОБНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАТЬ ЯЗЫКОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА . . . . .	1006
ПЕДАГОГИКО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ДЕТЕРМИНАНТЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ БУДУЩИХ ИНЖЕНЕРОВ . . . . .	1013
ТВОРЧЕСКОЕ МЫШЛЕНИЕ У СТУДЕНТОВ УЗНАТЬ ВОЗМОЖНОСТИ ЭМПИРИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ . . . . .	1019

ОДИННАДЦАТАЯ  
МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ  
ПО КОМПЬЮТЕРНОЙ ОБРАБОТКЕ  
ТЮРКСКИХ ЯЗЫКОВ  
«TURKLANG 2023»  
Труды конференции

*В авторской редакции*

Подписано в печать: 01.11.2023.  
Печать офсетная. Гарнитура «Times».  
Формат: 60×84 1/16. Усл.-печ. л. 59,87.  
Тираж 100 экз. Заказ № 1.11/23

Издательство Академии наук РТ.  
420111, г. Казань, ул. Баумана, 20.  
Тел./факс: (843) 292-49-14  
e-mail: izdat.anrt@yandex.ru

**ISBN 978-5-9690-1197-7**



9 785969 011977